

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси республика Кенгаши
раиси Ф.Ханапияевга

Республика ихтисослаштирилган дерматовенералогия
ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг
Сирдарё вилояти ҳудудий филиалининг 15 нафар ходимларидан

Миннатдорлик хати!!!

Биз Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти Кенгашига 2024 йилнинг 10 декабр куни иш берувчи томонидан ходимлар иш ҳақидан асоссиз равишда ушлаб қолинганлиги сабабли ушбу пулларни қайта ундиришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилинганмиз.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори А.Албеков томонидан 2025 йил 03 феврал куни юқоридаги бизнинг манфаатимизда ФИБ Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилди бироқ, суд томонидан ушба даъво ариза рад қилинганлиги сабабли, А.Албеков томонидан фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди апелляция судлов хайъатига шикоят аризаси киритди.

Ушбу судлов хайъатида иш кўриб чиқилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш ҳақимиздан ушлаб қолинган 42 562 579 сўм миқдордаги пул маблағи ходимлар ҳисобига қайтарилиши ҳақида ажрим қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ушбу пуллар бизнинг ҳисобимизга тўлиқ тўлаб берилди.

Шу сабабли Сизга ва Сирдарё вилояти Кенгаши жамоасига хусусан, меҳнат ҳуқуқ инспектори А.Албековга раҳмат айтган ҳолда келгуси ишларингизга омадлар тилаймиз.

1) Ш.Тошматова

2) К.Хасанова

3) М.Мамадалиева

4) Ф.Кудратова

5) С.Исраилова

6) Л.Алибаева

7) Н.Юлдашева

8) Г.Аджихалилова

9) Н.Бекбўтаева

10) Д.Уралова

11) Н.Ўсарова

12) А.Ахматова

13) Д.Шербўтаева

14) Д.Мирзажанова

15) Н.Исламкулова

Сана:

16.05.2025-йил